

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг
тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя
этилишини назорат қилиш бўйича комиссия йиғилиш
Б А Ё Н И**

2018 йил «12» сентябрь

9 - сон

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:	Б.Сагдуллаев	- Агентлик бош директори ўринбосари, Одоб-ахлоқ комиссияси раиси
Қатнашганлар:	А.Ахмедова	- Агентлик Касаба уюшмаси қўмитаси раиси
	А.Юлдашов	- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Агентлик БТ етакчиси
	Г.Юсупханова	- Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатори (котиб)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қароридан келиб чиқадиган вазифалар ва уларнинг бажарилиши ҳақида.

2. 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг ижроси юзасидан Агентликда ўтказиладиган Коррупцияга қарши курашишга қаратилган Ўқув-семинарлар режасини бажарилиш аҳволи.

(Сагдуллаев, Ахмедова, Юлдашов, Юсупханова, Сагдуллаев)

Кун тартибидаги дастлабки масалалар бўйича Агентлик бош директори ўринбосари, Одоб-ахлоқ комиссияси раиси Б.Сагдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сон қарори билан тасдиқланган “2017-2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури” ижроси юзасидан Бош прокуратурага белгиланган муддатларда Агентлик томонидан ҳисоботлар бериб борилаётганлигини ва шу билан бирга 2018 йилнинг II-ярим йиллигида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида тегишли топшириқларни бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан мамлакатда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатлари қабул қилиниб,

хуқуқий асос яратилганлигини, бу борадаги фаолиятни янгича усул ва ёндашув асосида ташкил этиш чораларини кўриш лозимлигини таъкидлади.

Жумладан, Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда Давлат дастурида белгиланган вазифа ва топшириқларни сўзсиз бажариш ва Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилишини таъминланиши лозимлигини таъкидлади.

Ўз навбатида Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатори Г. Юсупханова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сонли қарори билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида белгиланган Коррупция ҳолатларини Агентликда олдини олиш ва бартараф этиш бўйича бир қатор чоралар кўрилганлигини, асосий эътибор коррупцияга қарши умумий тарғибот масалаларига қаратилганлигини айтди.

Шу билан бирга, 2018 йилнинг 19 июль куни Агентликда коррупция ҳолатларини олдини олиш, бу борада давлатимиз томонидан олиб борилаётган муҳим устувор масалаларга алоҳида эътибор қаратиш, шу жумладан, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Агентликда “Коррупция-миллий хавфсизликка таҳдид” мавзусида Агентлик мутахассислари ўртасида маъруза қилинди.

Йиғилиш давомида Комиссия аъзоси А. Юлдашов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон Қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг ижроси юзасидан Интеллектуал мулк агентлигида Коррупцияга қарши курашишга қаратилган жорий йилнинг 17 январидан тасдиқланган Ўқув-семинарлар режасига мувофиқ 2018 йилнинг 3-чорагида Ўқув-семинарлар режасига мувофиқ йиғилиш ўтказиш лозимлигини айтди.

Ўз навбатида Агентликнинг Касаба уюшмаси аъзоси А. Ахмедова 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг ижроси юзасидан Интеллектуал мулк агентлигида Коррупцияга қарши курашишга қаратилган жорий йилнинг 17 январидан тасдиқланган Ўқув-семинарлар режасига мувофиқ Агентликда 2018 йилнинг 3-чорагида “Халқаро ҳуқуқда одил судловга оид стандартлар, халқаро жиноятчилик билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг ҳамкорлиги” ва “Коррупция соҳасидаги жиноятлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг суд амалиёти” мавзусида давра суҳбати ўтказилишини таклиф қилди.

Мазкур комиссия аъзолари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан эътирозлар билдирилмади.

Комиссия раиси Б.Сагдуллаев мазкур комиссия иш фаолиятида самарадорликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, иш жамоасида ўзаро ҳурмат ва белгиланган одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилишликни таъминлаш мақсадида комиссия йиғилишидаги кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини билдирди.

Кўрилган масала бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар муҳокамаси асосида **қарор қилинди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича 2018 йил 12 сентябрдаги комиссия йиғилишининг навбатдаги йиғилиш натижасига кўра берилган топшириқлар қабул қилинсин ва сўзсиз таъминлансин. (масъул – Г.Юсупханова).

2. “Коррупция соҳасидаги жиноятлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг суд амалиёти” мавзусида Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказидан мутахассис жалб қилган ҳолда Ўқув-семинари ташкил қилинсин (масъул – А. Юлдашов).


3. Мазкур йиғилиш қарори ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия раиси



Б.Сагдуллаев

Котиб



Г. Юсупханова